

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВ МУРОДЖОН АБДУРАХИМДЖАНОВИЧ

**ШАРҚИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ СЕЙСМИК ХАВФИНИ МИҚДОРИЙ
БАҲОЛАШ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларини қидиришнинг геофизик усуллари

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирзаев Муроджон Абдурахимджанович

Шарқий Ўзбекистоннинг сейсмик хавфини миқдорий баҳолаш.....3

Мирзаев Муроджон Абдурахимджанович

Количественные оценки сейсмической опасности Восточного Узбекистана.....19

Mirzaev Murodjon Abdurahimdjjanovich

Quantitative value of seismic hazard of East Uzbekistan.....37

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....40

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВ МУРОДЖОН АБДУРАХИМДЖАНОВИЧ

**ШАРҚИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ СЕЙСМИК ХАВФИНИ МИҚДОРИЙ
БАҲОЛАШ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларини қидиришнинг геофизик усуллари

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/FM321 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сейсмология институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Артиков Турдали Усманалиевич

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Максудов Собит Хамидович

физика-математика фанлари доктори

Нуртаев Бахтиер Сайфуллаевич

физика-математика фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидибуви

институти

Диссертация химояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети хузуридаги DSc 27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгаш асосида Бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «28 июн» соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 11а-йй. Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12, e-mail: info@gpniimr.uz, gpniiimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (ракам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 11а-йй. Тел.: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2019 йил «15 июн» да тарқатилди.

(2019 йил «15 июн» даги 29 рақамли реестр баённомаси



Р.Ахунджанов

Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

Қ.Р.Мингбоев

Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш
илмий котиби, г.-м.ф.н.

К.Н.Абдуллабеков

Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш қошидаги
бир марталик илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Дунё миқёсида зилзила ўзининг инсон қурбонлари сони, табиятга келтирадиган талофатлари ва салбий оқибатлари билан табиий оғатлар ичидаги ахамияти бўйича биринчи хисобланади. Сейсмоактив ҳудудларда жойлашган мамлакатларда сейсмик ҳавфни эҳтимолий баҳолаш услубиятини такомиллаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш давлатнинг барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишининг муҳим омилидир. Шундан келиб чиққан ҳолда сейсмик ҳавфни баҳолаш ва башоратлашни такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни ўтказиш муҳим ахамиятга эга.

Хозирги вақтда дунёда сейсмик ҳавфни турли ўлчовдаги миқдорий баҳолашнинг назарий ва услубий асосларини яратишга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда (умумий сейсмик районлаштириш, батафсил сейсмик районлаштириш, сейсмик микрорайонлаштириш). Жумладан, АҚШ, Япония, Хитой, Россия каби давлатларда сейсмик ҳавфнинг эҳтимоллик асосида баҳолашнинг услубиятини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зилзилалар таъсирида вужудга келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларни янада самарали ва тезкор аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш ўта муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳоли, саноат ва маъмурий объектларнинг сейсмик ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, бўлиб ўтган зилзилалар ва турли геофизик майдонларда кечадиган жараёнлар хақида тўлиқ маълумот бериш имконини берадиган сейсмик кузатув тармоғи ва сейсмик башорат тизими тубдан янгиланди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг харакатлар стратегиясида қуидаги муҳим «Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, сейсмик фаол ҳудудларнинг сейсмик ҳавфини баҳолашнинг самарали тизимини яратиш ва сейсмик районлаштириш хариталарини тузиш муҳим хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 1 июндаги «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5066-сон Фармони, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик ҳавфсизлиги, сейсмобардош қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси» ги ПФ-4947-сон фармони

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республиканинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг (VIII. «Ер хақидаги фанлар» геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёни қайта ишлаш) устувор йўналишларига мувофик равища бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сейсмик хавф муаммолари хал қилишга қаратилган илмий тадқиқот, ўтган асрнинг 60 йилларида жадал ривожланди. Сейсмик хавфни баҳолашнинг асосан икки усули яратилган. Биринчиси, детерминистик усул, Ю.В.Ризниченко ва унинг шогирдлари томонидан ривожлантирилди. Иккинчиси, сейсмик хавфни эҳтимоллик асосида баҳолаш, С. Корнелнинг илмий изланишлари асосида яратилди. Иккала усулнинг натижасида зилзила ўчоғида кечадиган жараёнларни, яқин ва узоқдаги сейсмофаол ҳудудлар таъсирини ҳисобга олиб жуда муҳим натижалар олинган. Шу билан бирга, сейсмик жараённинг баҳолашда фойдаланилган параметрлар хатолигини тасодифий ўзгариши, ўта муҳим объектларнинг сейсмик хавфини аниқлашда детерминистик усулнинг камчиликлари яққол кўзга ташланди. Иккала усул ҳам Ўзбекистонда жадал ривожланган. В.И.Уломов, Т.У.Артиков, К.Н.Абдуллабеков, Р.Н.Ибрагимов, У.О.Нурматов, С.С.Сейдузова, И.Б.Яковлева, Л.М.Плотникова, Л.М.Матасова ва бошқа сейсмологлар детерминистик ва детерминистик-эҳтимолий усулни ривожлантиришган ва муҳим натижаларга эришишган. Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудлари учун сейсмик хавфни эҳтимолий усулда баҳолаш билан Ю.К.Чернов, Т.У.Артиков, Р.С.Ибрагимов, Т.Л.Ибрагимова ва бошқалар шуғулланишган.

Сейсмология соҳасида ва сейсмик хавфни баҳолаш учун долзарб алгоритмларни яратиш, аҳоли ва саноат қурилишини ортиши муҳим объектлар гидротехник иншоатларни лойихалаш, индустрисал ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби омиллар тўхтосиз мукаммалаштиришни талаб қиласди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Сейсмология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф8-ФА-0-13038 «Сейсмодинамик районлаштириш назариясининг ривожлантириш мақсадида турли сейсмотектоник шароитларида сейсмик жараён кечишининг фундаментал қонунларини аниқлаш» (2012 – 2016 й.), А14-ФА-0-12949 «Шахар, шахар қўринишидаги аҳоли яшаш жойлари ва йирик ишлаб чиқариш корхоналарнинг ҳудудларини сейсмомикрорайонлаштиришнинг тежамкор замонавий технологиясини яратиш» (2012 – 2014 й.), ФА-Ф8-007 «Сейсмикликнинг мураккаб структураси ва Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик хавфини мукаммал баҳолашга асос бўладиган сейсмик жараёнлар динамикасининг янги қонунларини аниқлаш» (2017 – 2020 й.), ФА-А14-Т042 «Республика муҳим иқтисодиёт объектлари сейсмик хавфни мукаммал баҳолаш учун турли

масштабдаги сейсмик районлаштириш усулларини яратиш» (2015 – 2017 й.) каби фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шарқий Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик ҳавфини миқдорий баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

сейсмик ҳавфни баҳолайдиган ахборот-таҳлил тизимини яратиш;

сейсмик ҳавфни баҳолашда фойдаланилган параметрлар ноаниқлигини турли таъсирини баҳолаш;

Шарқий Ўзбекистон ҳудуди учун янги сейсмик манбааларни яратиш ва уларни сейсмологик параметрлаш;

сейсмик ҳавфни баҳолашнинг такомиллаштирилган усулини яратиш;

Шарқий Ўзбекистоннинг сейсмик ҳавфини миқдорий баҳолаш ва янги сейсмик районлаштириш ҳариталарини тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шарқий Ўзбекистон ҳудудининг сейсмиклиги танланган.

Тадқиқотнинг предмети Шарқий Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик режим параметрларининг ўзгариши ва кучли зилзилалардан сейсмик таъсирининг намоён бўлишини макросейсмик балларда ва грунт силкинишининг тезланишларида баҳолаш хисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тасодифий миқдорларнинг статистик таҳлили усули, вақт қаторларининг таҳлили ва замонавий ГИС технологияси асосида сейсмикликнинг макон бўйича ўзгаришини таҳлил қилиш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор турли сейсмик манбаалар асосида Шарқий Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик ҳавфи миқдорий аниқланган;

илк бор Шарқий Ўзбекистон ҳудуди сейсмик ҳавфини аниқлаш учун бошланғич параметрларининг ноаниқлик омиллари баҳоланган;

бошланғич параметрлар ноаниқлик омиллари асосида Шарқий Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик ҳавфи миқдорий баҳоланган;

Шарқий Ўзбекистон ҳудудининг янги сейсмик районлаштириш ҳариталари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

сейсмик ҳавфнинг миқдорий баҳоси сейсмик жараён ва сейсмик таъсирининг минтақавий қонунияти асосида аниқлаштирилган;

Шарқий Ўзбекистоннинг макросейсмик балларда ва грунт тебранишининг максимал тезланишларидағи эҳтимолликлар асосида янги сейсмик районлаштириш ҳариталар мажмуаси тузишган;

бўлиб ўтган зилзилаларнинг ўз вақтида координатасини аниқлаш ва Шарқий Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик ҳавфини баҳолашга қаратилган вазифаларни бажаришда фойдаланилган турли зилзилалар учун масофа бўйича сейсмик таъсирини сўниши қонуниятини қўллаган холда сейсмометрик кузатув тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқот давомида олинган натижалар сейсмиклигини таҳлил этишда статистик усулларни

тадбиқ этиш, ҳудуднинг геологик ва сейсмокартийни тузилиши билан натижаларни таққослаш орқали таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республиканинг сейсмографияларни ҳудудларида қурилиш учун бугунги кунда асосий меъёрий хужжат бўлган Ўзбекистон ҳудудининг умумий сейсмик районлаштириш ҳаритасининг (УСР-2017) бўлаги хисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Шарқий Ўзбекистон ҳудудининг шахар ва аҳоли яшаш пунктларининг сейсмик микрорайонлаштиришда миқдорий баҳолашда фойдаланилган шунингдек республика иқтисодиётининг муҳим объектларида кенг жорий этилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Шарқий Ўзбекистоннинг сейсмик хавфини миқдорий баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сейсмик жараён ва сейсмик таъсириларни аниқланган минтақавий қонуниятлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги №2/4/24-2600-сон маълумотномаси). Натижада Шарқий Ўзбекистон ҳудудининг миқдорий сейсмик хавфини аниқлаштириш имконини берган;

Шарқий Ўзбекистоннинг макросейсмик балларда ва грунт тебранишининг максимал тезланишларида янги сейсмик районлаштириш ҳариталар мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги №2/4/24-2600-сон маълумотномаси). Натижада Шарқий Ўзбекистон ҳудудини макросейсмик балларда ва грунтнинг тебраниш тезланишларида баҳолаш имконини берган;

зилзилалар учун сейсмик таъсириларни масофа бўйича сўниши қонуниятлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги №2/4/24-2600-сон маълумотномаси). Натижада бўлиб ўтган зилзила координатасини аниқлашга ва Шарқий Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик хавфини баҳолаш муаммоларини ечишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий мақола чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясини диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси Республика ва 1 таси ҳорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, ҳулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг

умумий ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарбилиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот обьекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижалар илмий ва амалий ахамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётда қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Сейсмик ҳавфни баҳолашнинг ахборот таҳлил тизими»** деб номланган биринчи бобида ахборот таҳлил тизимлари бўйича ҳорижий ва махаллий адабиётлар таҳлили келтирилган. Ҳар бир ахборот тизими ҳар бир обьект учун алоҳида тузилади ва ўзида сақлаш, узатиш, ахборотларни таҳлил қилиш каби тизимни ўз ичига олади. Тадқиқот давомида яратилган ахборот таҳлил тизими – илмий тадқиқотларни автоматлаштирилган тизим сирасига кириб, қўйидаги вазифаларни бажаради:

жарёнларни бошқариш ва олиб борилган тадқиқот ишларини натижасини қайта ишлаш;

қийин сейсмик жараёнларни моделлаштириш;

натижалар олиш ва қайта ишлаш;

ҳисботлар тайёрлаш ва уларни таҳлил этиш;

маълумотлар базасини яратиш ва мунтазам тўлдириб бориш;

ахборот таҳлил натижаларни сода ва тушунарли тилда тайёрлаш.

Қўйилган алоҳида вазифага қараб келтирилган вазифалар ўзгариши мумкин ва тизим қўйидаги бўлимларга эга (1-расм).

Ахборот-таҳлил тизими Ўзбекистон Республикасининг сейсмафаол ҳудудларининг сейсмик ҳавфини баҳолашда ва сейсмик районлаштириш масалаларини ечишга мўлжалланган сейсмологик ва сейсмотектоник ва бошқа маълумотларни ўзида жамлаган маълумотлар базасига эга.

Диссертациянинг **«Шарқий Ўзбекистон сейсмик режимининг асосий параметрлари»** деб номланган иккинчи бобида сейсмик режимнинг асосий параметрлари таҳлил қилинган. Яратилган ахборот таҳлил тизими ёрдамида сейсмик режимнинг асосий параметрлари – сейсмик фаоллик, сейсмик синиқлик ва сейсмик потенциал (M_{max}) таҳлил қилинди. Доимий аниқлик ва доимий синчковлик усуллари билан таҳлил қилинган фаоллик хариталари экспериментал маълумотлар кўплиги учун ўзаро мос келади.

Сейсмик фаолликнинг (A_{10}) майдон бўйича тарқалиши бир текис эмас. Шу билан бирга, бу хариталар зилзилаларнинг башорат қилиш имконини бермайди, чунки юқори қийматли ҳудудлар бўлиб ўтган зилзилалар натижасидир. Доимий аниқлик усули ёрдамида олинган сейсмик фаоллик харитаси доимий синчковлик усули билан олинган харитадан қиймати юқориор.



1-расм. Сейсмик хавф бўйича ахборот таҳлил тизими

Шарқий Ўзбекистонда Фарғона водийси сейсмик фаоллиги $A_{10}=0,3$ тенг, шунингдек Андижон шаҳрининг шимолий-ғарбий ҳудуди $A_{10}=0,5$ тенг. Бу ҳудуд Шарқий-Фарғона ер ёриғига хос келади. Доимий синчковлик йиғинди усулидаги сейсмик фаоллик қийматлари бошқа хариталарга қараганда бир мунча текис тарқалган. Шу билан бирга Шарқий Ўзбекистонда жойлашган сейсмоктоник ҳудудлар ўз аксини топган.

Шимолий Фарғона ва Жанубий Фарғона ер ёриқлари $A_{10}=0,2$ қиймати билан яққол кўзга ташланади. Тошкент олди ҳудуди $A_{10}=0,1$ қиймати билан, Назарбек зилзила ўчоғи $A_{10}=0,2$ қиймати билан ўз аксини топган. 1984 йил $M=5,6$ бўлган Поп зилзиласи ўчоғи, 1992 йил $M=5,9$ бўлган Исбоскан зилзиласи ўчоғи ҳудудлари юқори қийматлар билан кўринади.

Жанубий Фарғона сейсмик фаол ҳудуд бўлиб, 1977 йилдаги $M=6,4$ Исфара-Баткент зилзиласи, 1982 йилда бўлиб ўтган $M=5,6$ Чимион зилзиласи ва уларнинг афторшоклари ўз аксини топмаган. Бу ҳудудларнинг сейсмик фаоллик қиймати ҳудуд бўйича узоқ вақт ўзгармас ўртача вақт қийматда бўлмоқда. Тошкент олди ҳудуди 1966 йилги $M=5,2$ Назарбек зилзила ўчоғи ўрни сейсмик фаолликнинг барча хариталарида яққол кўзга ташланади.

Шарқий Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик синиқлик харитаси келтирилган бўлиб, майдон бўйича ўзгармас эканлиги аниқланди. Сейсмик синиқликни меъёрдан ортиқ қийматидаги орогендан платформага ўтиш жойларида кузатилди, платформа ҳудудларида сейсмик хавфни ҳисоблашда одатий бўлган қиймати 0,45-0,55 орасида эканлиги намоён бўлди. Сейсмик фаоллик юқори бўлган синиқлик қиймати паст эканлиги исботланди.

Ўрганилаётган ҳудудда бўлиши мумкин бўлган зилзила қийматини ҳисоблаш бошқа параметрларга қараганда қийин ва мунозаралидир. M_{max}

қийматини ҳисоблаш ва хариталаш 2 босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда узоқ сейсмиклиги ёрдамида M_{max} нинг сейсмологик хариталари тузилди. Иккинчи босқичда сейсмологик ва геолого-тектоник параметрлар бўйича M_{max} нинг комплекс харитаси яратилди ва бу сейсмик силкиниш хариталарига асос бўлиб хизмат қилди. M_{max} максимал қиймати Андижон шахри атрофида ($M_{max}=7,5$) кузатилди, Тошкент шахри $M_{max}=6,5$ ҳудудда жойлашган, Фаргона водийси M_{max} қиймати ($M_{max}=5-6$) нисбатан паст, унинг тоғли ҳудуди эса ($M_{max}=7$) юқори қийматга эга.

Диссертациянинг «Шарқий Ўзбекистон мисолида замонавий сейсмик районлаштириш хариталари» аниқлигини баҳолаш» бобида сейсмик ҳавфни баҳолашда фойдаланилган параметрлар ноаниқлигини таҳлили натижалари келтирилган.

Сейсмофаол ҳудудларнинг сейсмик ҳавфи маълум вақт давомида бўлиб зилзилалар намоён бўлишининг интеграл эфекти сейсмик ҳавфни сейсмик фаоллик (A_{10}), сейсмик синиқлик (γ), сейсмик потенциал (M_{max}) каби сейсмик режимнинг миқдорий характеристикалари орқали баҳолаш учун сейсмик ходисалар оқими бир томондан сейсмик ва сейсмотектоник маълумотлар тўлиқ эмаслиги бошқа тарафдан сейсмик жараёнлар моделининг мукаммал эмаслиги таҳлил қилинди. Зилзила ўчоғи чуқурлиги, зилзила ўчоғининг харакат тури, муайян ҳудуд зилзила интенсивлигини масофа бўйича сўниш ўзига хос хусусиятлари каби сейсмик таъсир ноаниқликлари билан боғлиқ ва бошқа турли омиллар сезиларли даражада ўзгариши мумкин.

Сейсмик районлаштириш хариталар ишончлилиги фойдаланилган параметрлар орқали аниқланади. Сейсмик ҳавфни баҳолашда фойдаланиладиган ҳар бир параметр ноаниқлик хиссаси саволига жавоб сифатида, сейсмик районлаштириш хариталарининг ишончлилик даражасини аниқлаб бериши, хамда энг ҳавфли кечиши мумкин бўлган сейсмик жараён вақтидаги сейсмик ҳавф баҳосини олиш имконияти ўта муҳим обьектларни сейсмик ҳавфни баҳолашда катта ахамиятга эга деб хисоблаймиз. Сейсмик ҳавфини ҳар бир фактор таъсирини баҳолаш учун Шарқий Ўзбекистон ҳудуди танланди. Жанубий, айниқса Ғарбий Ўзбекистон ҳудудида маълумотлардаги юқори хатолик ўз навбатида сейсмик ҳавфни ҳар томонлама баҳолаш имконини бермайди. Асосий тажриба сифатида келтирилган сейсмик интенсивликнинг 50 йил давомида $P=0,95$ ва $P=0,90$ эҳтимоллик билан макросейсмик баллардаги иккита сейсмик районлаштириш харитаси танланди. Асосий хариталар учун қўйидагилар асос қилиб олинди:

Шарқий Ўзбекистон зилзилалар манбааси сифатида сейсмоген ҳудудлар олинди;

бу ҳудуд сейсмик потенциали сейсмотектоник ва сейсмологик усуллар биргаликдаги тақсимотида ҳисобланди;

ҳар бир сейсмофаол ҳудудлар учун зилзила қайтарилиш параметрлари энергетик синфлар бўйича Гутенберг-Рихтер қонунияти орқали баҳоланган. Бунда ϕ параметри бир хил ($\phi=0,48$) қабул қилинди. Сейсмик фаоллик (A_{10}) ўзгарувчан.

сейсмик ҳавф зилзилаларнинг ўчоқдаги харакати взброс типида ҳисобланган, чунки ўрганилаётган ҳудудда асосан шундай зилзилалар бўлиб ўтади.

масофа бўйича сейсмик таъсир силкинишнинг сўниш қонуни Тошкент олди ва Фарғона водийси учун алоҳида ҳисобланган қонуни ишлатилди.


Сейсмик фаоллик икки баробар оширилиш кўрсаткичидаги ҳисобланган ($0,05; 0,1; 0,2$ ва ҳоказолар), сейсмик районлаштириш ҳаритаси сейсмик фаолликни 50% оширганда ва камайтирилганда қандай ўзгариши ҳисобланди. Натижада бутун Шарқий Ўзбекистон ҳудуди учун сейсмик фаоллик ўзгариши $P=0,99$ эҳтимолликда $\Delta I=0,25$, $P=0,9$ эҳтимолликда $\Delta I=0,28$ га ўзгариши аниқланди. Сейсмик районлаштириш ҳаритаси ўнинг $0,48$ дан $0,4$ га ўзгартириш $\Delta I=0,7$ га ўзгаради. Ҳудуднинг сейсмик районлаштириш ҳаритасига максимал бўлиши мумкин бўлган зилзила етарли таъсир ўтказади, чунки Шарқий Ўзбекистон ҳудудининг сейсмофаол ҳудудлари, сейсмик потенциали сейсмологик методлар ва сейсмотектоник усуллар билан олинган M_{max} қиймати $0,5$ магнитудага фарқ қиласи. $P=0,99$ эҳтимоллиги ҳариталар учун $\Delta M=+0,5$ га ўзгаришда сейсмик силкиниш фарқи $\Delta I=0,84$ баллга, $\Delta M=-0,5$ да эса $\Delta I=-0,68$ баллгача ўзгариши аниқланди.

Шарқий Ўзбекистонинг сейсмик районлаштириш ҳаритасидаги сейсмик ҳавфнинг қийматига зилзила ўчоғининг чуқурлиги таъсири тўлиқ ўрганилди. Зилзила ўчоғининг чуқурлиги ($H=10$ км, $H=30$ км ва ўртача статистик чуқурлик $H=f(M)$) сейсмик интенсивликни ўзгаришига энг кўп таъсир этувчи фактор эканлиги аниқланади. Улардан $H=10$ км даги қиймат ўрта статистик чуқурлик қийматига $\Delta I=+1.54$, $H=30$ км га нисбатан $\Delta I=-1.06$ эканлигини кўрсатади. Шарқий Ўзбекистон ҳудудида бўлиб ўтган кучли зилзилаларнинг ўчоқдаги харакат тури кўпчилиги взброс кўринишида бўлади, жуда камдан-кам ҳолатда сдвиг ёки сброс кўринишидаги зилзилалардир. Зилзиланинг ўчоқдаги харакат тури сейсмик таъсирнинг силкинишига $\Delta I=-0,34$ баллга таъсир қилиши тасдиқланди. Сейсмик районлаштириш ҳариталарга турли сўниш қонуниятлари (Н.И.Шебалиннинг Марказий Осиё қонунияти ва Фарғона водийси қонунияти) $P=0,99$ учун $\Delta I=0,22$ га $P=0,9$ учун $\Delta I=0,26$ баллга ўзгаради. Шу билан бирга Н.В.Шебалин қонунияти асосида тузилган ҳарита хафлироқ экани маълум бўлди.

Кўп сейсмологлар детерминистик усулдаги сейсмик районлаштириш ҳаритасини ҳавфлироқ деб ўйлайдилар, чунки бу усулда вақтни ҳисобга олмасдан сейсмик таъсир максимал ҳисобланади, эҳтимоллик усулида эса сейсмик силкиниш қайтарилиш даври $T=5000$ йилгача ҳисобланади. Зилзила қайтарилиш даври M_{max} бўлганда $T=5000$ йилдан ҳам ошиқ эканлиги исботланган. Сейсмик ҳавф ҳаритасига вақтдан ташқари сейсмик режим ва сейсмик таъсир параметрларнинг ўртача қийматлари каби бошқа кўплаб параметрлар таъсир қиласи, бошқа параметрлар эса олинган маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги оқибатида сейсмик режим параметрларини аниқлашдаги статистик хатоликларга боғлиқ.

Шарқий Ўзбекистоннинг сейсмик районлаштириш ҳаритасининг ҳар бир нуқтасидаги I қийматининг максимал бўлиши мумкин бўлган зилзила энг кам чуқурликда, A_{10} , ϕ , M_{max} ва бошқа параметрларни аниқлашдаги хатоликлар ҳисобга олиниб энг катта қиймати танланди. Сўнг Шарқий Ўзбекистон учун сейсмик режим ва сейсмик таъсир параметрларининг барча бўлиши мумкин бўлган ноаниқлик факторларини ҳисобга олиб сейсмик районлаштириш ҳаритаси тузилди (2-расм). Бу ҳарита параметрларнинг ўртача статистик қийматларига қурилган ҳариталардан кескин фарқ қиласди. Бу ҳариталарда баъзи ҳудудлар сейсмик таъсир балл қийматлари 9 баллдан юқори эканлиги аниқланди.

Сейсмик режим параметрлари ва сейсмик таъсирнинг ўртача қийматидан ўта оғиш холатлари кам учраши эҳтимолини ҳисобга олиб, бу ҳариталарни нихоятда муҳим обьектлар лойиҳалашда фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз.




2-расм. Шарқий Ўзбекистон ҳудудининг энг хавфли сейсмик районлаштириш ҳаритаси (а – $P=90\%$, б – $P=99\%$).

Диссертациянинг «Шарқий Ўзбекистоннинг сейсмик районлаштириш ва сейсмик хавфни баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида Шарқий Ўзбекистон учун сейсмик хавфни турли ўлчовларда умумий сейсмик районлаштириш ҳаритасини тузишнинг янги усули келтирилган.

Икки хил сейсмик манбаалар – «майдонли» манбаа ва сейсмоген ҳудудлар (Ибрагимов Р.Н. ва бошқалар, 2002) таҳлил қилинди, ҳамда уларнинг афзаликлари ва камчилиги баҳоланди (3-расм).


Сейсмотектоник ва сейсмологик шароитга кўра Шарқий Ўзбекистон ҳудуди 3 та катта майдонли манбаага ажратилди – Тошкент олди, Талас-Фарғона ва Фарғона водийси, бу ҳолда сейсмик потенциал қиймати, зилзила қайтарилиш графигининг оғиш бурчаги, зилзила ўчоғи ҳаракати, масофа бўйича сейсмик таъсир интенсивлиги сўниш қонунияти ўзгармас деб қабул қилинди.

Сейсмоген ҳудудларнинг сейсмик фаоллик, зилзила қайтарилиш графигининг оғиш бурчаги (γ) ва сейсмик потенциал қийматлари аниқланди (4-расм).



3-расм. Сейсмик манбалар: а) майдонли манбаалар; б) сейсмоген худудлар (Ибрагимов Р.Н. ва бошқалар маълумотига асосан, 2002).

Ажратилган худудларда сейсмик режим параметрларини ҳисоблашда асосий омил бўлган турли зилзилалар кузатуви ишончлилик даври баҳоланди. Зилзилаларнинг ишончли кузатув даври бўйича кучсиз зилзилалар ($K=9-13$), кучли зилзилалар ($K=12-17$) ва бутун каталог бўйича



4-расм. Сейсмоген худудларнинг сейсмологик ўлчовлари: а) сейсмик фаоллик; б) зилзила қайтарилиши графикининг оғиши бурчаги; в) сейсмик потенциал.

($K=9-17$) зилзилалар қайтарилиш графиклари тузилди. Ҳар бир майдонли манбаа ва уларнинг бўлинмалари учун шу каби қайтарилиш графиклари тузилди: ф нинг кичик қийматлари фақат кучли зилзилалар каталогида

аниқланди, катта қийматлари кучсиз зилзилаларда кузатилди; A_{10} ва ф нинг қийматлари одатда майдонли манбаалар бўлинмалари учун статистик нуқтали назариядан имконсиз. Ҳар бир бўлинманинг сейсмик фаоллик A_{10} қиймати йиғинди ва тақсимот усулларида ҳисобланди.

Сейсмик фаолликни иккала усулда ҳисоблашда ва ҳар бир бўлинманинг қайси майдонли ҳудудга тегишлигини ҳисобга олиб ўз қийматидан фойдаланиб ҳисобланди. Майдонли манбалар усул – ҳудудлар учун сейсмик фаолликни 4 хил ҳаритаси ҳисобланди, кейинчалик сейсмик ҳавф ҳисоблашдаги таъсири инобатга олинди.

Ҳар бир майдонли ҳудуднинг сейсмик потенциалини ҳисоблашда 2 та омилга таянилди – ўрганилаётган майдонли ҳудудга тегишли сейсмоген ҳудудларнинг сейсмоконеконик ва сейсмологик маълумотлар асосида сейсмик потенциалини ҳисоблаш; - майдонли манбалар ҳудудда бўлиб ўтган энг кучли зилзила магнитудаси M_{max} қиймати юқорида кўрилган қийматларнинг максимал қиймати олинди, майдонли ҳудудда жойлашган сейсмоген ҳудудлар сейсмопотенциал қиймати сейсмоконеконик маълумотларга асосан баҳоланди.


$M_{max}=6,5$, сейсмологик маълумотларга асосан $M_{max}=6,8$, ҳамда энг кучли кузатилган зилзила магнитудаси $M=6,7$, демак бу ҳудуд учун сейсмик ҳавф ҳисоблашда $M_{max}=6,8$ сифатида баҳоланди.

Барча зилзилалар учун умумий ($H=15$ одатда) зилзила чуқурлигини ҳисоблаш сезиларли хатоликларга олиб келади, шунинг учун сейсмик ҳавфни ҳисоблаётганда зилзила чуқурлиги учун $H=H(K)$ кўринишидаги қонуниятдан фойдаланилди, бу ерда K – зилизила энергетик қиймати кичик квадрат усули ёрдамида қонуният аниқланди. Зилзиланинг энергетик синфи ортган сари унинг чуқурлиги ортиши исботланди, кейинчалик ҳисоблашда шу қонуниятдан фойдаланилди.


Шарқий Ўзбекистон ҳудуди учун майдонли ҳудудлар ва сейсмоген ҳудудларни сейсмик таъсир зоналари сифатида қаралган 50 йил давомида кўрсатилган кўрсатгичдан ошмаслиги $P=0,9$; $P=0,95$; $P=0,98$ ва $P=0,99$ эҳтимоли билан макросейсмик балларда (5. расм) ва грунт тебраниш тезланишидаги (6. расм) ҳариталари қурилди.

Сейсмик районлаштириш ҳаритасини тузишда киритилувчи параметрлар ноаниқлигини мантиқий дараҳт кўринишининг эверистик тузиш нуқтаси назаридан бажарилди. Тенг миқдорлар билан сейсмик майдонлар ва сейсмоген зоналар сейсмик манбааа сифатида ҳисобланди. 78 йиллик умумий сейсмик районлаштириш ҳаритаси билан солиштирилди. Фарғона водийси ва Тошкент олди ҳудуди етарлича дифференциал келтирилган 9 баллик ҳудудлар сейсмик потенциали жуда юқори бўлган Андижон, Наманган ва Шимолий Фарғона сейсмомағол ҳудудлар йўналишига мос келади. Тошкент олди ҳудуди Коржантау тизими ва Ангрен ёриқлар тизимидан ташқари ҳудудларда 7 баллик зоналар пайдо бўлди.

Шарқий Ўзбекистон ҳудуди учун тузилган янги ҳариталар комплекси ўзида сейсмик ҳавфни муқаммал акс эттириб қолмай, ер қобиғининг структурасини ва сейсмомағол зоналарнинг сейсмик фаоллиги билан дифференциалланганлигини кўрсатади.



3-расм. Шарқий Ўзбекистоннинг худудининг макросейсмик баллардаги сейсмик районлаштириш харитаси (а – $P=90\%$, б – $P=95\%$, в – $P=98\%$, г – $P=98\%$).



4-расм. Шарқий Ўзбекистоннинг худудининг грунт тебраниш тезланишлардаги (см/сек²) сейсмик районлаштириш харитаси (а – $P=90\%$, б – $P=95\%$, в – $P=98\%$, г – $P=98\%$).

Ишлаб чиқилган хариталар сейсмобардош бунёдкорлик ишларини олиб боришига қаратилган.

ХУЛОСА

Ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари асосида қуйидаги илмий натижалар олинган:

1. Сейсмофаол худудларнинг сейсмик хавфининг миқдорий тезкор баҳолашнинг турли масалаларини тезкор хал қилишга мўлжалланган, ўзида сейсмологик, сейсмотектоник ва бошқа маълумотлар базасига турли дастурлар комплекси мужамсамлантирган ахборот-тахлил системаси тавсия этилган.

2. Сейсмик хавф баҳосига таъсир қилувчи сейсмик параметрлар ноаниқликларини таъсири текширилди. Сейсмик хавф хариталарига сейсмик режим ва сейсмик таъсир параметрлари тақсимотининг ўртача қиймати аномал қиймати билан солиширгандан энг кичкина чуқурликда бўлган кучли зилзила ($\Delta I = 1,5$ балл), турли зилзилалар қайтарилиш графигини оғиш бурчагини γ аниқлашдаги статистик хато ($\Delta I = 0,96$ балл) ва максимал бўлиши мумкин бўлган M_{max} зилзила қиймати ($\Delta I = 0,84$ балл) катта фарқ қилиш исботланди. Сейсмик фаолликни (A_{10}) аниқлашдаги хатолик, зилзила ўчоғидаги силжиш турини аниқлашдаги хатолик, сейсмик таъсирнинг интенсивлигини масофа бўйича ўзгариш тақсимоти учун умумий қонуниятдан фойдаланиш мос равишида $\Delta I = 0,24$; $\Delta I = 0,34$ ва $\Delta I = 0,22$ баллга фарқ қилиши кўрсатилган.

3. Биринчи марта Шарқий Ўзбекистон учун сейсмик режим ва сейсмик таъсир параметрларининг барча ноаниқлик факторларини хисобга олган холда $T = 500$ ва $T = 5000$ йилда ўртача бир марта қайтарилиш даври билан сейсмик районлаштириш харитасининг энг хавфли варианти тузилди. Бу хариталар сейсмик режим параметрларининг ўртача статистик қийматлари асосида курилган хариталардан кескин фарқ қилади. $T = 5000$ йилда ўртача бир марта қайтарилиш даври хаританинг бъзи худудлари 9 баллдан юқори. Сейсмик режим ва сейсмик таъсир тақсимотининг ўртача қийматларидан хаддан ташқари фарқланадиган қийматлари бўлиш эҳтимоли жуда кичкина бўлишини хисобга олиб, бу харита маъсулияти жуда юқори бўлган иншоатларда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

4. Сейсмик жараён ва сейсмик таъсирнинг аниқланган янги регионал қонунияти асосида сейсмик хавф баҳоланди ва Шарқий Ўзбекистон худудининг сейсмик районлаштириш хариталар комплекси яратилди. Сейсмик хавф 50 йил давомида кўрсатилган қийматидан ошмаслиқ ($P = 0.9$, $P = 0.95$, $P = 0.98$ ва $P = 0.99$) эҳтимоллик билан макросейсмик балларда ва грунт тебраниш тезланишларда ифодалаш таклиф қилинган.

5. Яратилган сейсмик районлаштириш хариталар комплексида турли сейсмик манбаалардан фойдаланган ва киритилаётган параметрларнинг сейсмологик ва сейсмотектоник маълумотлар, сейсмик жараён ва сейсмик

таъсир маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги билан боғлиқ бир қатор ноаниқлиги хисобга олинган. Янги яратилган сейсмик районлаштириш хариталар комплекси жаҳон сейсмология фанининг сейсмик хавфни баҳолаш ва хариталаш соҳасидаги охирги ютуқларини хисобга олган холда яратилган бўлиб, худуднинг реал сейсмик холатини мукаммал ўзида мужассамлаштиради, ер қобигининг структурасини ва сейсмафаол зоналарини дифференциаллашганлиги сейсмик фаоллик даражасида ифодаланганлигини ўзида акс эттирган. Яратилган сейсмик районлаштириш хариталари сеймобардош бунёдкорлик ишларини бажаришда, биринчи навбатда, сеймобардош қурилишларда фойдаланиш тавсия қилинган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.27.06.2017.GM.40.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ, ИНСТИТУТЕ
ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ, ИНСТИТУТЕ ГИДРОГЕОЛОГИИ И
ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ, ИНСТИТУТЕ СЕЙСМОЛОГИИ,
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА И
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНСТИТУТ СЕЙСМОЛОГИИ**

МИРЗАЕВ МУРОДЖОН АБДУРАХИМДЖАНОВИЧ

**КОЛИЧЕСТВЕННЫЕ ОЦЕНКИ СЕЙСМИЧЕСКОЙ ОПАСНОСТИ
ВОСТОЧНОГО УЗБЕКИСТАНА**

04.00.06 – Геофизика. Геофизические методы поиска полезных ископаемых

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПО (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2019

Тема диссертации доктора философии зарегистрирована под номером B2019.1.PhD/ФМ321 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Институте сейсмологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.gpniimr.uz) и на Информационно-образовательном портале (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:

Артиков Турдали Усманалиевич

доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Максудов Собит Хамидович

доктор физико-математических наук

Нуртаев Бахтиер Сайфуллаевич

кандидат физико-математических наук

Ведущая организация:

Институт геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений

Защита диссертации состоится «28» ноябрь 2019 года в «12⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного Совета DSc.27.06.2017.GM.40.01. при Институте минеральных ресурсов, Институте геологии и геофизики, Институте гидрогеологии и инженерной геологии, Институте сейсмологии, Национальном университете Узбекистана и Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный номер №_____. (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49)

Автореферат диссертации разослан «15» ноябрь 2019 года

(реестр протокола рассылки №25 от 15.11 2019 года)



Р.Ахунджанов

Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

К.Р.Мингбоеv

Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, к.г.-м.н.

К.Н.Абдуллабеков

Председатель разового научного семинара при разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе землетрясения по числу человеческих жертв, разрушениям и деструктивным воздействиям на окружающую среду по значимости занимает первое место среди природных катастроф. Во многих странах, расположенных в сейсмоактивных зонах, совершенствование методологий вероятностной оценки сейсмической опасности и внедрение в практику является важным фактором обеспечения устойчивого социально-экономического развития страны. В этой связи имеет важное значение совершенствование исследований количественной оценки сейсмической опасности.

В настоящее время в мире проводятся целенаправленные исследования по разработке теоретических и методических основ количественной оценки сейсмической опасности на различных масштабных уровнях (общее сейсмическое районирование, детальное сейсмическое районирование, сейсмическое микрорайонирование). Ведущих странах мира, таких как США, Япония, Китай, Россия проводятся научные исследования по совершенствованию методологий вероятностной оценки сейсмической опасности. Разработка методов эффективного и оперативного определения чрезвычайных ситуаций при землетрясении является весьма важной.

В нашей стране по обеспечению сейсмической безопасности населения, промышленных и гражданских объектов ведутся определенные работы. В частности, проведена коренная модернизация сети сейсмометрических наблюдений и системы прогностического мониторинга, позволившая получать прецизионные данные о происходящих землетрясениях и предваряющих их процессах в различных геофизических полях. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи «Совершенствование системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций»¹. Исходя из этого, одной из важным является разработка технологий адекватной оценки сейсмической опасности сейсмоактивных территорий и составление разномасштабных карт сейсмического районирования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 1 июня 2017 г. №УП-5066 «О мерах по коренному повышению эффективности системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 9 августа 2017 г. №ПП-3190 «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан», а также в других

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистана. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики (Программа VIII – «Науки о Земле» – геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

Степень изученности проблемы. Подходы, направленные на решение проблемы оценки сейсмической опасности, начали особо развиваться с конца 60-х годов прошлого столетия. Наибольшее развитие при этом получили два подхода. Первый, развиваемый в основном советской школой сейсмологов Ю.В.Ризниченко и его многочисленными последователями, детерминистический подход вылился в теорию сейсмической сотрясаемости. Второй – связан с оценкой сейсмического опасности исключительно на вероятностной основе, началом которому послужили работы С.Корнелла. В рамках обоих подходов получены удачные практические решения с максимальным использованием очаговых факторов и особенностей характера излучения ближней и дальней зон. Вместе с тем, с годами обнаружились слабости детерминистического подхода, не позволяющие в полной мере учитывать при оценке сейсмической опасности особо ответственных объектов всего спектра неопределенностей, связанных как со случайным характером сейсмических воздействий, так и с многообразием факторов неопределенности входных параметров, необходимых для расчета сейсмической опасности.

Каждое из названных выше направлений хорошо представлено в Узбекистане. Наиболее плодотворно в духе детерминистического и вероятностно-детерминистического подходов работали В.И.Уломов, Т.У.Артиков, К.Н.Абдуллабеков, Р.Н.Ибрагимов, У.О.Нурматов, С.С.Сейдузова, И.Б.Яковлева, Л.М.Плотникова, Л.М.Матасова и другие сейсмологи. С вероятностных позиций оценкой сейсмической опасности для ряда областей Узбекистана занимался Ю.К.Чернов, Т.У.Артиков, Р.С.Ибрагимов, Т.Л.Ибрагимова и другие ученые.

Возрастающие темпы промышленного и гражданского строительства, освоение природных недр, проектирование сложных, в том числе и уникальных объектов, гидротехнических сооружений, потребности в рациональном распределении и планировании индустриальных и трудовых ресурсов выдвигают требования к постоянному совершенствованию сейсмологических знаний и разработке на их основе эффективных расчетных алгоритмов, касающихся прогноза сейсмической опасности.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами организации, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана фундаментальных и прикладных научно-исследовательских работ Института сейсмологии, в том числе: Ф8-ФА-0-13038 «Выявление закономерностей протекания сейсмического процесса в различных сейсмотектонических условиях в целях развития теории сейсмодинамического районирования» (2012 – 2016 гг.), А14-ФА-0-12949

«Разработка оптимальной технологии сейсмомикрорайонирования территории городов, городских поселков и промышленных объектов» (2012 – 2014 гг.), ФА-Ф8-007 «Исследование тонкой структуры сейсмичности и динамики сейсмического процесса для оценки сейсмической опасности территории Узбекистана» (2017 – 2020 гг.), ФА-А14-Т042 «Разработка методов разномасштабного сейсмического районирования для оценки сейсмической опасности объектов экономики республики» (2015 – 2017 гг.).

Целью исследования является количественная оценка сейсмической опасности территории Восточного Узбекистана.

Задачи исследования:

создание информационно-аналитической системы по оценке сейсмической опасности;

исследование влияния различных факторов неопределенности входных параметров на результирующие оценки сейсмической опасности;

разработка сейсмических источников для территории Восточного Узбекистана и их сейсмологическая параметризация;

создание модифицированного метода оценки сейсмической опасности территории Восточного Узбекистана;

получение количественных оценок сейсмической опасности и составление новых карт сейсмического районирования территории Восточного Узбекистана.

Объектом исследования выбрана сейсмичность территории Восточного Узбекистана.

Предметом исследования являются изменения параметров сейсмического режима исследуемой территории и проявление сейсмических воздействий от сильных землетрясений выраженные в баллах макросейсмической шкалы и ускорениях колебаний грунта.

Методы исследований. В диссертационной работе использованы методы статистического анализа случайных величин, методы анализа временных рядов и пространственных изменений показателей сейсмичности, ориентированные на современные ГИС технологии.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

впервые определены количественные оценки сейсмической опасности территории Восточного Узбекистана на основе различных сейсмических источников;

впервые оценено влияние факторов неопределенности входных параметров для определения сейсмической опасности территории Восточного Узбекистана;

количественно оценена сейсмическая опасность территории Восточного Узбекистана на основе факторов неопределенности входных параметров;

разработана новая карта сейсмического районирования территории Восточного Узбекистана.

Практические результаты исследования заключаются в следующем:

уточнены количественные оценки сейсмической опасности по выявленным региональным закономерности сейсмического процесса и

сейсмических воздействий;

